




Янги қиёфа,  
янги кайфият,  
янги имконият

2-с.

“Соғлом аёл оилага таянч,  
фарзандларга суянч демак”

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№39  
(2367)

2026 йил  
13 МАЙ,  
ЧОРШАНБА

# Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“МАҲАЛЛА ЛИГАСИ”

### ҒАЛАБА ШУКУҲИ ҲАР БИР ЙИҒИНДА ЯНГРАЙДИ

Пойтахтимиздаги Олимпия ва паралимпия шон-шухрати музейида “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 30 ёшдан юқори аҳоли ўртасида ўтказиладиган “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларининг 2026 йилги мавсуми очилиш маросими бўлиб ўтди.



“Маҳалла лигаси”, бу — Ўзбекистонда маҳаллалардаги иқтидорли ёшларни ва аҳолининг турли қатламларини спортга жалб қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган оммавий спорт мусобақасидир. Жорий йилги мавсум учун 3 миллион 800 минг нафарга яқин аҳоли рўйхатдан ўтган бўлиб, иштирокчиларнинг 52 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

2025 йилдан бошлаб, Ўзбекистон маҳаллалари уюмаси, Спорт вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида маҳаллаларда истиқомат қилувчи 30 ёшдан юқори бўлган аҳоли ўртасида ўтказиб келинаётган “Маҳалла лигаси” спорт мусобақаларининг асосий ғояси — профессионал спортга пойдевори айнама маҳалладан бошлашдир. Биргина ўтган йили 2 миллион нафардан ортиқ киши оммавий спорт мусобақаларига қамраб олиниб, саломатлиги мустаҳкамланди.

Мусобақаларда 30 ёшдан катта аҳоли вакиллари уч босқичда спортнинг етти тури — мини-футбол, волейбол, стол тенниси, стритбол, воркаут, шахмат ва шашка бўйича ўзаро беллашади:

**1-босқич** — маҳаллалараро саралаш босқичи май ойида ўтказилади;

**2-босқич** — туман (шаҳар) босқичи июнь ойида ташкил этилади;

**3-босқич** — ҳудудий финал босқичи июль ойида бўлиб ўтади.

Ҳудудий финал босқичи ғолиб ва совриндорлари I, II, III даражали диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Тадбирнинг очилиш маросими республика бўйлаб 14 та ҳудуд ҳамда 208 та туман ва шаҳарда бир вақтда бўлиб, “Маҳалла лигаси”нинг янги мавсумига тантанали старт берилди.

### Япония делегацияси томорқа тажрибасини ўрганди

Хабарингиз бор, аввалроқ Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси делегацияси Японияда бўлиб, кунчиқар юртнинг бир қатор тузилмалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган эди. Мазкур келишувлар доирасида Япониядан бир гуруҳ вакиллар мамлакатимизга ташриф буюрди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан “бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик келишувига эришилган. Шу асосда мамлакатимизга ташриф буюрган делегация аъзолари Тошкент ва Фарғона вилоятлари маҳаллаларида томорқачилик, маҳсулот етиштириш ва аграр жараёнлар билан яқиндан танишмоқда.



Делегациянинг дастлабки манзили Оҳангарон туманидаги “Қорахитой” маҳалласи бўлди. Ташриф давомида меҳмонлар Ўзбекистон кучасида истиқомат қилувчи Дилшод Йўлчиев хонадонга ташриф буюриб, 4 сотих ер майдонида ташкил этилган иссиқхона фаолияти билан яқиндан танишди. Хонадон эгаси иссиқхонада помидор ва қулупнай етиштириш орқали томорқадан самарали фойдаланиб келмоқда.

Давоми 2-саҳифада.

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



## ИНСОН ҚАДРИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ: ҲАР БИР ЭШИК ОРТИДА — БИР ТАҚДИР, БИР МУАММО, БИР ЕЧИМ

Бугун маҳалла инсон тақдири ҳал бўладиган, оила фаровонлиги таъминладиган, жамиятнинг энг таъсирчан ва ҳаётини бўғини сифатида намоён бўлмоқда. Аҳоли мурожаатларини жойида ҳал этиш, маҳаллаларни ишсизлик, камбағаллик, жиноятчилик ва оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантиришга қаратилган тизимли ишлар бугун мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Айниқса, давлат идоралари фаолиятида очиқлик, тезкорлик ва натижадорликни таъминлаш устувор мезонга айланиб бораётгани маҳалла тизимида ҳам яққол сезилмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси тизимида “Қоғозсиз иш юритиш” тамойилининг жорий этилиши муҳим қадам бўлди. Барча ходимларнинг “edo.ijro.uz” электрон платформаси орқали иш юритиши йўлга қўйилгани нафақат хужжатлар айланишини қисқартирди, балки ҳар бир топшириқ ижроси устидан таъсирчан назорат тизимини шакллантирди.

Этиборлиси, бу ўзгаришлар аҳоли мурожаатлари таҳлилида ҳам яққол кўринмоқда. Жорий йилнинг январь-март ойларида Уюшмага келиб тушган мурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан 3 мингдан ортиқча камайиб, 17 минг 995 тани ташкил этди. Уларнинг 86 фоизи (15 минг 360 таси) ижобий ҳал этилгани тизимнинг натижадорлиги ва аҳоли билан ишлаш самараси ортиб бораётганидан далолат беради.

Давоми 2-саҳифада.

### БУГУНГИ СОНДА:

#### Ҳақиқий хотиржамлик қўни-қўшни кўнглининг тўқлигида

Айрим фуқаролар бола пули масаласида мурожаат қилишади. Орасида уйи-жойи, машинаси бор, имконияти етарли инсонлар ҳам учрайди. Инсон фақат ўзини эмас, атрофдагиларни ҳам ўйлаб яшаши керак.

5-с.

#### Уйғоқ ғоя ва имконият — барчаси инсон учун!

“Abilympics” — имкониятлар олимпиадасида ногиронлиги бўлган ва алоҳида эҳтиёжга эга ёшлар 13 та йўналиш бўйича ўз иқтидорини, касбий маҳоратини ва ижодкорлигини намоён этади. Иштирокчилар — кучли ирода, меҳнат ва катта оқшолар тимсоли эканини намоён этади.

6-с.

#### Қонун — айланиб ўтадиган эмас, амал қилинадиган йўл

Биз кўпинча давлат хизматчиси пора олса, қаттиқ норозилик билдирамыз — бу тўғри. Аммо фуқаро пора талаб қилса-чи? Бу ҳам ўша танганинг иккинчи томони эмасми?

7-с.

7-САҲИФА

ЗАМОНАВИЙ  
БИНОЛАР —  
МАҲАЛЛА  
НУФУЗИНИНГ  
ЯНГИ  
ҚИЁФАСИ

8-САҲИФА

ЭНГ ОҒИР  
ҲУДУДАН  
ЭНГ ХАВФСИЗ  
ҲУДУДГА  
ҚАНДАЙ  
АЙЛАНДИК?







ЎЗБЕКИСТОН,  
ҚОЗОҒИСТОН ва  
ҚИРҒИЗИСТОН  
суғориш сувини  
еткизиш жадвалини  
келишиб  
олди.



ОСИЁ  
ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ  
Ўзбекистонга  
12,4 миллиард  
доллар кредит  
ва грант  
ажратади.



МАРКАЗИЙ БАНК:  
Ўзбекистоннинг  
олтин-валюта  
захиралари 2026 йил  
1 май ҳолатига кўра,  
70,9 миллиард  
долларгача кўпайди.

## “МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

# ИНСОН ҚАДРИ МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ: ҲАР БИР ЭШИК ОРТИДА — БИР ТАҚДИР, БИР МУАММО, БИР ЕЧИМ



Вазира УМАРОВА,  
Ўзбекистон  
маҳаллалари уюшмаси  
бўлим бошлиғи.

Бугун маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишлар фақат рақам ёки ҳисобот эмас. Бу — минглаб инсонлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар, оилалар қалбидagi хотиржамлик, ёшлар онгидagi ишонч ва келажакка бўлган умид демакдир. Йил бошида 1 миллион 365 минг нафар ишсиз ва меҳнат бозорига кириб келадиган фуқарони банд қилиш бўйича аниқ манзилли режалар ишлаб чиқилди. Натижада бугуннинг ўзидa 275 минг нафардан зиёд инсоннинг бандлиги таъминланиб, 1701 та маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилди. Айниқса, ўзини ўзи банд қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган ёндашув одамларда ташаббус, ҳаракат ва меҳнат бўлган ишончни кучайтирди.

Тинч ва фаровон маҳалла — кучли жамият пойдевори. Қайси маҳаллада аҳиллик, меҳнат, ташаббус ва инсонга эътибор кучли бўлса, ўша ерда тараққиёт бўлади, одамлар эртанги кунга ишонч билан қарайди. Бугун маҳаллалардаги ўзгаришлар ана шу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқламоқда: инсон манфаати устувор бўлган жамиятда, албатта, барқарорлик, фаровонлик ва юксалиш бўлади.



Камбағалликни қисқартириш борасида ҳам манзилли ва аниқ тизим асосида ишлар олиб борилмоқда. Бугун 355 минг 379 та камбағал оила билан индивидуал ишлаш тизими йўлга қўйилган. “Қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратилган оилалар билан мақсадли ишлаш натижасида 28,5 мингта оила камбағалликдан чиқарилди, 603 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланди. Энг муҳими, бу рақамлар ортида инсон тақдирига бефарқ бўлмастек, ҳар бир хонадонга умид ва ишонч олиб киришдек эзгу мақсад мувапф бўлди.

Айниқса, маҳаллаларда томорқа-

дан самарали фойдаланиш орқали аҳоли даромадини оширишга эътибор кучайди. Зеро, ерга меҳр қўйган инсон ҳеч қачон қўл қовштириб ўтирмайди. Хусусан, 5 миллион 195 та хонадонда баҳорги экинлар экилиб, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослашув тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, маҳаллаларда минглаб профилактик тадбирлар, видеокузатув ва рақамли хавфсизлик тизимларининг жорий қилиниши натижасида юзлаб “намунавий хавфсиз кўча” ва “намунавий хавфсиз уй”лар ташкил этилди.

Энг муҳими, 7 309 та маҳалла жинсий ҳақдорликдан холи ҳудудга айланди. Бу — одамлар оқсоқилликдан қўлга олиниши, фарзандлар хавотирсиз улғаядиган муҳит қарор топаётганининг амалий натижасидир.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Оилавий низоларни бартараф этиш, ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларни яраштириш, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали 6 143 та оила сақлаб қолинди. 4 555 та маҳалла оилавий ажралишдан холи ҳудудга айлантирилди.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

Маҳаллаимиз мамлакат бўйича “ТОП-100” таликдан жой олди. Бу — маҳалла аҳлининг ҳам-жиҳатлиги, “еттилик” тизимининг самарали фаолияти, энг асосийси, одамларнинг ўз ҳаётига бефарқ бўлмастек яшаётганининг ифодасидир.



## ЎЗГАРИШ ҚУРУҚ ЧАҚИРИҚ БИЛАН ЭМАС, АМАЛИЙ НАМУНА БИЛАН БОШЛАНАДИ

Зоҳидилла ҚОРАБОВЕ,  
Тошкент туманидаги “Мустақиллик” маҳалласи раиси.

Бу натижаларга эришишда одамларни уйғотиш, уларда ишонч пайдо қилиш энг муҳим вазифа бўлди. Чунки қуруқ чақириқ ёки расмий йиғилиш билан натижага эришиб бўлмайди. Одамлар амалий мисолни кўрса, ҳаракат қилади.

Бугун маҳаллада инсонлар дунёқараши ўзгарди. Илгари айрим хонадонларда томорқа бўш ётар, ердан унумли фойдаланишга етарлича эътибор берилмас эди. Ҳозир эса деярли ҳар бир хонадонда ҳаракат, изланиш ва интилиш бор. Кимдир қўлатчилик қилса, кимдир иссиқхона ташкил этган, яна кимдир лимончилик, қўлпўнайчилик ёки паррандачилик орқали оила даромадини оширяпти.



Бир ҳақиқат бор: даромади барқарор, меҳнати қадр топган инсоннинг ҳаётга муносабати ҳам ўзгаради. Чунки ҳалол меҳнат орқали топилган ризқ одамни нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки маънавий томондан ҳам мустаҳкамлайди. Қолаверса, оилавий ажралишларнинг аксарият қисми айнан иқтисодий қийинчилик, ишсизлик ва турмуш таъвишларида келиб чиқади. Шу маънода инсонни ишли қилиш, бу — фақат унинг қўлига пул бериш эмас, балки бир оилани сақлаб қолиш, бир маҳаллада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш демакдир. Айни тамойил асосида икки йилдан буён маҳалламизда жиноятчилик ва оилавий ажралиш ҳолатлари кузатилмапти.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ МАҲАЛЛА”

## ЯНГИ ҚИЁФА, ЯНГИ КАЙФИЯТ, ЯНГИ ИМКОНИАТ

Самарқанд вилоятидаги 28 та маҳаллага “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилиб, уларнинг ҳар бирига 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилди. Бу орқали маҳаллаларда аҳолининг яхши яшashi ва тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур шароитлар яратилади.



Аватимиз раҳбарининг “Алоҳида туман ва маҳаллаларни аҳолининг яшashi ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида туташ маҳаллаларни боғловчи марказ вазифасини бажарадиган, йирик автомобиль йўллари ёки чегара ҳудудларига яқин жойлашган, аҳолиси зич ва кўп, инфратузилмаси тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай бўлган ҳудудлар танлаб олинishi белгиланган.

Шунга кўра, Пайариқ туманида йиғинларнинг инфратузилмаси, ишсизлик даражаси ва иқтисодий имкониятлари таҳлил қилиниб, “Ўзбекистон”, “Чоштепа” ҳамда “Баҳор” маҳаллалари “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” сифатида танланди.

“Чоштепа” маҳалласи — бу борада ўзига хос имкониятларга эга ҳудудлардан бири саналади. Маҳалла деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослашган бўлса-да, унинг географик жойлашуви янги иқтисодий йўналишларни ривожлантириш имконини бермоқда. Энг қувонарлиси, аҳолининг ўзи ҳам бу жараёнга бефарқ эмас. Кимдир ҳовлисини тартибга келтиряпти, кимдир тадбиркорлик қилиш учун ташаббус билдирияпти.

— Туманимиздаги “Халққобод”, “Элназар”, “Зарафшон”, Хўжа Исмоил номидаги маҳаллалар ҳудудимизга туташган бўлиб, бу ҳамкорликни ривожлантириш учун қўлай имконият яратди, — дейди “Чоштепа” маҳалласи раиси Хусан Ғаниев. — Президент қарорига мувофиқ, маҳалла инфратузилмасини янада яхшилашга 5 миллиард сўм маблағ ажратилди ва туризмни ривожлантириш бўлимига “драйвер” сифатида белгиланди. Маҳалламиз Имом Бухорий макмурига яқин жойлашган. Шу боис хизмат кўрсатиш нуқталари ҳамда оилавий меҳмон уйлари ташкил этиш режалаштирилган.

“Ўзбекистон” маҳалласида ҳам ўзгаришлар аниқ иқтисодий мақсадлар билан уйғунлашган. Туман марказидан анча олисда жойлашганига қарамай, мазкур маҳалла бир нечта ҳудудни боғловчи муҳим нуқта ҳисобланади.

Маҳаллада қарийб олти минг нафар аҳоли яшайди. Ички йўллари асфальтлаш, пиёдалар ва саломатлик йўлакларини барпо этиш, электр, ичимлик сувини яхшилаш ишлари олиб бориляпти. Лойиҳа доирасида тадбиркорлар билан ҳамкорликда савдо ва хизмат кўрсатиш объеклари, чой қадоқлаш фабрикаси, ўқув маркази ҳамда кафелар ташкил этиш кўзда тутилган.

Эътиборли жиҳати, бугун маҳаллаларга фақат ижтимоий ҳудуд эмас, балки иқтисодий ўсиш нуқтаси сифатида ҳам қаралмоқда. Чунки инфратузилма яхшилланган, тадбиркорликка шароит яратилган ҳудудда одамларнинг ҳаёт сифати ҳам ўзгаради. Ишсизлик қисқаради, хизматлар кўпаяди, аҳоли даромади ортади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

## Япония делегацияси томорқа тажрибасини ўрганди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Меҳмонларга маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш, томорқачиликни ривожлантириш ҳамда кичик иссиқхона ҳўжаликларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот тақдим этилди. Делегация аъзолари ушбу тажрибаларга алоҳида қизиқиш билдирди.

Ташриф дастури Фарғона вилоятида давом этди. Бу ерда меҳмонлар боғдорчилик ҳўжаликлари фаолияти, хусусан, хурмо етиштириш жараёнлари билан танишди. Эътиборлиси, делегация аъзоларидан бири Ёшико Кабабата авваллари айнан Фарғона вилоятида хурмо қўритиш ва уни экспорт қилиш йўналишида фаолият юритган.

Ташриф давомида меҳмонлар Фарғона вилояти маҳаллаларида йўлга қўйилган боғдорчилик, иссиқхоначилик ва томорқачилик тажрибаларини юқори баҳолади. Делегация вакиллари келгусида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, хурмо етиштириш ҳажмини ошириш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича келишувга эришди.



Маълумотларга кўра, 1 гектар интенсив хурмо боғидан ўртача 30 тонна ҳосил олинади, бу эса йиллик 28-30 минг доллар атрофида даромад беради. Фермер ҳўжаликларида соф фойда ўртача 17-18 минг долларга етиши қайд этилди.

Маҳалламизда “еттилик” тизими ҳақиқий жамоа сифатида ишляпти. Қайси оилага иш керак, кимга ижтимоий кўмак зарур, қайси ёшнинг иқтисодири бор — барчаси диққат марказимизда. Энг асосийси, биз идорада ўтириб эмас, одамлар орасида ишлашга ҳаракат қилмиз. Эрталабки маҳалла йаланишлари, “хонадонбай” суҳбатлар, очик мулоқотлар орқали аҳолининг кайфияти, муаммоси ва тақлифларини жойида ўрганиш тизими шаклланди. Биргина шу ёндашув орқали “еттилик”ка йўналтирилган 210 та масаланинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Натижада маҳаллада ҳам-фикрлилик муҳити пайдо бўлди. Бугун одамлар “бу менинг ишим эмас”, демайди. Кўча озодалигига ҳам, қўшни аҳолига ҳам, ёшлар тарбиясига ҳам бефарқ қаралмаяпти.

Албатта, “ТОП-100” таликка кириш биз учун катта эътироф ва юксак ишонч ифодаси. Бироқ бир ҳақиқатни яхши англаб етдик: маҳаллада тараққиёт бўлиши учун, аввало, одамларда ишонч, дахлдорлик ва ҳаракат бўлиши керак. Ана шунда ҳар бир хонадонда фойз, ҳар бир кўчада ободлик, ҳар бир оилада фаровонлик бўлади.

Намунали маҳалла бўлишнинг энг катта сири ҳам шу — одамларни фақат муаммо атрофида эмас, мақсад атрофида бирлаштира олишда. Қайси маҳаллада аҳоли бир-бирига елкадош бўлса, фоллар ташоббускор бўлса, ёшлар бефарқ бўлмаса, ўша ерда тараққиёт, албатта, бўлади. Зеро, маҳалла таракқий этса — юрт тараққий этади. Бугун биз бу ҳақиқатни ҳаётимизнинг ҳар бир кунинда, ҳар бир хонадон мисолида амалда кўряптимиз.





Президент фармонига кўра, фермерлар биржа орқали сотиб олган ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ УЧУН давлат ҳисобидан субсидия олиши мумкин.



Ўзбекистонда энди банкдан паспортсиз 500 долларгача НАҚД ВАЛЮТА ОЛИШ МУМКИН бўлади.



Ўзбекистонда 2026 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, жами 3 минг 791 та НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИ аниқланди.

2026 йил  
13 МАЙ,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №39

3

## ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ



ФАРФОНА

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ИНСОНЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДА АКС ЭТМОҚДА

Гавҳарой Сайдалиеванинг боқувчиси йўқ. Иккинчи гуруҳ ногирони. Оила томорқадан самарали фойдаланади. Хонадон соҳибасининг тикувчиликдан хабари бўлса-да, тикув машинаси йўқлиги сабаб ушбу ҳунар билан шуғуллана олмасди. “Еттилик” кўмагида муаммо ижобий ечим топди. Аёлга тикув машинаси топширилди.

Нурматжон ЧЎЛПОНОВ,  
Кўштепа туманидаги  
“Халқобод” маҳалласи раиси.

Маҳалла ва аҳоли ўртасидаги бу каби яқинлик анъанага айланган. Ҳеч ким эътибор ва кўмакдан четда қолмапти. Шу боис барча соҳаларда кўрсаткичимиз ҳавас қилгулик. Маҳалламиз фақат ижтимоий муаммоларни ҳал қилувчи бўғин эмас, балки бу ерда маънавий иммунитетни шакллантирадиган муҳит яратганмиз. Бунинг натижасида фикри уйғонган одамларда ташаббус кучайиб, ўзгариш бўлмоқда. Тажрибамдан келиб чиқиб, айта оламаник, муаммо ҳам, ечим ҳам қуйи бўғинда экан. Шу мезонга амал қилиб, кескин ўсишга эришдик. Айниқса, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда илгор тажрибага эга бўлдик. Яъни, инсонларни даромадли қилиш керак экан, деб кўр-кўрона чора-тадбирларни амалга оширишга эмас, саъй-ҳаракатимиз бандликни таъминлашдан ташқари, аниқ натижага қаратилди. Янада аниқроғи, ислохотлар самараси қуруқ рақамлар билан эмас, балки инсонлар ҳаётидаги ўзгаришлар билан улчанмоқда.

### МЕНДА САВОЛ БОР

Нозима ТИЛЛАЕВА.  
Бухоро шаҳри:

— Мен камбағал ёки ишсизлик тоифасида бўлганда турмайман. Томорқа фаолиятини ривожлантириш мақсадида уруғлик ва кўчат сотиб олиш учун субсидия олсам бўладими? Бунинг учун кимга мурожаат қилиш керак?

Ижтимоий реестрда турмайман, субсидия олсам бўладими?

Аброрбек ЭЪЗОЗХОНОВ,  
“Мадад” ННТ ҳуқуқшуноси:

— Агар сиз Ижтимоий реестрда турмасангиз, субсидия ажратилмайди. Чунки бу турдаги ердам “Ижтимоий реестр”даги оиланинг ишсиз аъзоларига, ёшларга ҳунар ўргатаётган усталарга, жазони ўтаб келган фуқароларга, қишлоқ хўжалиги кооперативларига аъзо бўлувчиларга, маҳсулотини реклама қилмоқчи бўлган усталарга, бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаётган ишсизларга, тадбиркорлик субъектларига (ҳар бир касаначининг дастлабки 3 ой давомидаги фаолияти учун) берилади.

Маблағлар суғориш воситаларини харид қилиш, уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш, кооператив устав фондига аъзо бўлиш, касаначилик учун, ёшларга ҳунар ўргатиш, сайт яратиш ва реклама қилиш, ижара тўловини қоплаш, жазони ўтаб келганлар учун ажратилади. Ариза “Online-mahalla.uz” платформаси орқали юборилади. Шундан кейин ҳоким ёрдамчиси маълумотларни текширади, “маҳалла еттилиги” коллегиял қарор қабул қилади, Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси буйруқ чиқаради.

Пул кўринишидаги маблағ тўғридан-тўғри Талабгор ёки Тадбиркорнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Суғориш воситалари, уруғлик ва кўчатларни уч томонлама шартнома асосида Таъминотчи етказиб беради.



Асосий “драйвер” — чорвачилик ва деҳқончилик. Лекин кейинги пайтда тадбиркорлик ҳам ривож тояпти. 38 та кичик ишлаб чиқариш корхонаси, савдо дўкони ишга тушди. Томорқада бирор қарич бўш майдонни учратмайсиз.

Мисол учун, йил бошида камбағаллик 7,6 фоиз эди. Бугун 5,3 фоизга пасайди. Ишсизлик ҳамда жиноятчиликдан холи ҳудудмиз. Барча жабҳада “яшил” тоифадамиз.

Кўрсатилган ёрдамлар натижасида хатловда Ижтимоий реестрга киритилган Дилором Абдухамидованинг бандлиги таъминланди. Унга субсидия асосида тикув машинаси берилди. Қолаверса, томорқасига суришок қурилди. Ҳозир хонадонда миллий хунарамандчилик билан шуғулланыпти. Шаффоф кўчасида истиқомат қилувчи 2-гуруҳ ногирони Одилхон Пулатовга хашар ва ҳомийлик ёрдамида 2 хонали уй қуриб берилди.

Кишини қувонтирадиган жиҳат, “еттилик”нинг ёнида аҳоли ҳам камрабаста бўлаётганидир. Ҳар бир масалага биргаликда ечим тояпмиз. Айниқса, инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси орқали тўлиқ бартараф этдик. Шу кўнғача жами 6 та тақлимимиз голиб бўлди. Ичимлик сув, электр энергиясидаги узилтишлар барҳам топди. Барча кўчалар асфальтланди, 9 та трансформатор, 260 та бетон устун, ёритиш чироклари ўрнатилди.

Бир сўз билан айтганда, ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий масалалари, хотин-қизлар, ёшлар ва нурунийлар ҳаёти, оилаларни мустаҳкамлаш, инфратузилма билан боғлиқ вазифалар жойида ҳал этиляпти.

ТАВСИЯ

## ТЎҒРИ ПАРВАРИШ — ЮҚОРИ МАҲСУЛДОРЛИК КАФОЛАТИ

Чорвачиликда бузоқларни тўғри парвариш қилиш муҳим. Шунинг учун ҳар бир фермер хўжалигида бузоқларни тўғри озиқлантириш, парваришlash ва гуруҳлаб боқишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.



Муҳиддин САЙФИЕВ,  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Агар хўжаликда 100 бош қорамол мавжуд бўлса, уларнинг маълум қисми сигир, ғунажин, урғочи тана ва бузоқлардан иборат бўлиши керак. Бу эса подани мунтазам янгилаб бориш имконини беради.

Янги туғилган бузоқлар камида 15–20 кун онаси билан бирга сақланиши мақсадга муво-

фиқ. Энг муҳим жиҳатлардан бири — увиз (сигир болалаганидаги дастлабки 3–5 кунлик) сут. Бузоқча увиз сутни туғилгандан кейин 1 соат ичида ичирилиши керак. Чунки айнан шу вақтда тана иммунитетни қабул қилади. Кеч берилса, турли касалликлар, айниқса, диспепсия хавфи ошади.

Насл учун ажратилган бузоқларга 6 ойликкача ёғи олинмаган сут берилиб, уларни аста-секин дағал озуқаларга ўргатиб бориш лозим. Бир ёшгача бўлган урғочи бузоқ учун 450 кг. беда пичани, 1 440 кг. сифатли силос, 290 кг. омихта ем, 1 850 кг. яшил беда каби озуқа жамғарилиши тавсия этилади.



Мендан бугунги маҳалла билан кечаги тизим афзаллигини сўрашса, жуда кўп ижобий фикрларни айтган бўлар эдим. Масалан, илгари кўплаб масалалар туман ёки шаҳарнинг умуий кўрсаткичларидан келиб чиқиб ҳал қилинган. Бугунги кунда ҳар бир оила, ҳар бир хонадоннинг ҳақиқий эҳтиёжига асосланиб, кўмак кўрсатяпмиз, аҳолининг ҳар бир аъзоси билан манзилли ишляпмиз. Бир сўз билан айтганда, маҳалла, бу — муаммоларни ҳисобга олиш жойи эмас, балки имкониятлар яратиш ҳудудига айланди.

Сигирларни туғишга тайёрлаш, вақтида суддан чиқариш ва сифатли парвариш қилиш — келгусида соғлом бузоқ ва серсуст сигир олишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Чорвачиликда муваффақият, бу — фақат озуқа эмас, балки тўғри парвариш, ветеринария назорати ва режали ишлашдир.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ҳаракатидамиз. Унинг аъзолари камбағал оилалардан танлаб олинади. Сув танқислигини ҳисобга олган ҳолда йўл бўйидаги заҳкашлардан фойдаланиш орқали ўрдак боқишни йўлга қўйилмоқда.

Тадбиркорлар сафи кенгайиб бораётгани ишсизликни қисқартиришга ёрдам бермоқда. Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш цехи, гилам ювиш цехи, автотомобилларни ювиш шохобчаси каби кичик корхоналар янгида иш бошлагани фикрим исботидир. Шу йилнинг ўзида 4 та кўчма дўкон ишга тушгани одамларнинг узоғини яқин қилди.

Турсунбой Алланиезов имтиёзли кредит маблағи асосида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиб, бугунги кунда туман ҳудудида жойлашган кичик саноат зонасида бир нечта йўналишларда фаолият юритиб келмоқда.

Маҳалладаги иш тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, кўпинча камбағалликни келтириб чиқараётган асосий сабаб — доимий ишнинг йўқлигидир. Бу эса, ўз навбатида, ички ва ташқи миграциянинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Камбағалликни келтириб чиқараётган яна бир жиддий сабаб — кишилардаги билим ва касб-ҳунар, тадбиркорлик қилиш учун зарур кўникманинг етишмаслигидир. Маана шу масалаларда ҳеч ким эътибордан четда қолма-япти.





Ўзбекистонда ўртача иш ҳақи миқдори ошгани ҳисобига расмий даромадга эга бўлмаганлар учун АЛИМЕНТ ҲИСОБ-КИТОБ МИҚДОРИ ОШДИ.



Ўзбекистонда 2026 йилнинг январь-март ойларида 42,3 МИНГТА НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛДИ.



ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИ тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби ишлаб чиқилди.

4

Mahalla

№39

2026 йил  
13 МАЙ,  
ЧОРШАНБА

## “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Хотин-қизлар фаоли сифатида аёлларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишни асосий вазифам, деб биламан. Шу маънода ўзим учун ҳеч бир аёлнинг кўзидан аламли ёш оқмаслиги кераклигини шиор қилиб олганман.

### “СОҒЛОМ АЁЛ ОИЛАГА ТАЯНЧ, ФАРЗАНДЛАРГА СУЯНЧ ДЕМАК”

Саида РАСУЛОВА,  
Давлатобод туманидаги “Орзу”  
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.



Айни мақсадга эришиш учун ҳар битта хотин-қиз билан алоҳида ёндашув асосида ишлашга ҳаракат қилаёلمиз. Оилаларга кириб бориб, уларни қийнаётган муаммоларни атрофлича ўрганяпмиз. “Еттилик” ходимлари бир ёқадан бош чиқариб, аҳоли вакилларини ўйлантирган барча масалаларга муносиб ечим топяпмиз.

Биринчи навбатда, хотин-қизларнинг саломатлиги учун керакли чоралар кўриляпти. Худудимиздаги 15-оилавий поликлиника шифокорлари кўмагида опа-сингилларимиз мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиляпти. Эрта қўйилган ташхис билан вақтида кўрилган даво чоралари ўз самарасини бериляпти. Қолаверса, эҳтиёжманд оила вакилларига тақдим этилаётган имтиёздан кўнгиллар шод.

Шаҳодатхон Мамадалиева узоқ йиллар давомида хасталикдан азият чекиб келаётган эди. Моддий етишмовчилик сабаб зарур дори-дармонларни харид қилишга қийналарди. Унинг шароитини ҳисобга олган ҳолда бепул даволаниши учун йўланма расмийлаштирилди. Қисқа вақт ичида аёлнинг ҳолати анча яхшиланди.



Аёл ўзини бахтли ҳис қилиши учун, аввало, меҳр ва эътиборга муҳтож. Турмуш ўртоғи ҳамда фарзандларининг муҳаббати унга куч беради. Хуш кайфият ва кўтаринкилик эса енгиб бўлмас доvonларни забт этишга замин яратади. Худудимизда шундай тиниб-тинчимас опа-сингилларимиз жуда кўп. Масалан, Муҳайё Икромова анчадан буён мазали таомлар тайёрлаб, халқ ҳурматиға сазовор бўлиб келяпти. Норин қилишда унинг олдиға тушадиғани йўқ. Тадбиркор секин-аста фаолиятини кенгайтириб, 8 нафар аёлнинг ҳам бандлигини таъминлади.

Маҳалламизда ишсизлар деярли йўқ. Сабаби, худудимиздаги иккита саноат зонасида 14 тадан ортиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари мавжуд. Хотин-қизларнинг кўпчилиги шу ерда меҳнат қилиб, рўзғорига барака киритяпти. Бундан ташқари, аҳоли вакиллари ташкил этган иссиқхоналарда кунлик ишлаб, даромад топаётганлар ҳам анчагина.

Келгусида худудимизда миллий ҳунармандчилигимизнинг зардўзлик йўналишини ривожлантирмоқчимиз. Қолаверса, мактаб битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичларини ошириш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Бугун маҳаллада амалга оширилаётган ҳар қандай ташаббус ва лойиҳалар эртаға ўзининг ижобий самарасини беришға ишончим комил. Одамлар қанча тинч, хотиржам ва фаровон турмуш кечирса, биз бундан бахтлимиз.

Бахтиёр ака охириги вақтда хориждан зотдор ҳайвонларни олиб келиб, даромадини оширяпти. Оила аъзоларидан ташқари яна 6 кишининг доимий бандлигини таъминлаган.

Худудимиздаги 710 та хонадоннинг 700 таси чорвачилик билан машғул. Гарчи кўпчилиги расман иш жойиға эга бўлса-да, қўй ва сигирлардан қўшимча маблағ топади. Қолаверса, йилдан-йилға аҳоли вакилларининг томорқадан унумли фойдаланиш тажрибаси ортиб борапти. Ишсиз ва кам таъминланган оила вакиллариға 67 гектар ер майдони узоқ муддатли ижраға берилган. Деҳқонларимиз пиёз ва галла етиштириш бўйича мутахассис бўлиб кетган.

Ўзининг дориворлиги билан ҳаммага маълум бўлган қоврак ўсимлиги лалми ерда яхши ўсаяди. Шу боис сув етиб бориши қийин бўлган манзиллар учун бу яхши танлов. Миришкорлар йиғиб олинган ҳосилнинг катта қисмини хорижий мамлакатларға экспорт қиляпти.

Маҳалламизда камбағаллик кўрсаткичи 2 фоизни ташкил этади. Сабаби, ҳамманинг қиладиган иши тайин. Одамлар қишин-ёзин тиним билмай меҳнат қиляпти. Биргина бандлиқни таъминлаш орқали охириги икки йилдан буён жиноятчиликдан холи худуд бўлишға эришдик.

Шодиёр БОБОЕВ,  
Зомин туманидаги  
“Ширин” маҳалласи раиси.

Бахтиёр ака охириги вақтда хориждан зотдор ҳайвонларни олиб келиб, даромадини оширяпти. Оила аъзоларидан ташқари яна 6 кишининг доимий бандлигини таъминлаган.

Худудимиздаги 710 та хонадоннинг 700 таси чорвачилик билан машғул. Гарчи кўпчилиги расман иш жойиға эга бўлса-да, қўй ва сигирлардан қўшимча маблағ топади. Қолаверса, йилдан-йилға аҳоли вакилларининг томорқадан унумли фойдаланиш тажрибаси ортиб борапти. Ишсиз ва кам таъминланган оила вакиллариға 67 гектар ер майдони узоқ муддатли ижраға берилган. Деҳқонларимиз пиёз ва галла етиштириш бўйича мутахассис бўлиб кетган.

Ўзининг дориворлиги билан ҳаммага маълум бўлган қоврак ўсимлиги лалми ерда яхши ўсаяди. Шу боис сув етиб бориши қийин бўлган манзиллар учун бу яхши танлов. Миришкорлар йиғиб олинган ҳосилнинг катта қисмини хорижий мамлакатларға экспорт қиляпти.

Маҳалламизда камбағаллик кўрсаткичи 2 фоизни ташкил этади. Сабаби, ҳамманинг қиладиган иши тайин. Одамлар қишин-ёзин тиним билмай меҳнат қиляпти. Биргина бандлиқни таъминлаш орқали охириги икки йилдан буён жиноятчиликдан холи худуд бўлишға эришдик.

## ИССИҚХОНА ИШИ ҚИЙИН, АММО ДАРОМАДИ ТАЙИН

Машҳур АЛИМОВА,  
Когон туманидаги “Ўба-чўли”  
маҳалласи хотин-қизлар фаоли.

Эшигидан пешмапеш даромад кириб тургани учун оилалар тинч. Салгина келиша олмаган, ёшлик қилиб, хатоға йўл қўйганларға эса нуронийларимизнинг маслаҳати қор келяпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

### Сугурта пули қонлаб бериладими?

Сарвиноз ТОҒАЕВА. Тошкент шаҳри:

— Маҳсулотларимизни экспорт қилишни бошладик. Бундай ҳолда сугурта хизматларидан фойдаланилса, харажатлар қонлаб бериладими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Абдунаби ШОКИРОВ, “Савдони ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти бошқарма бошлиғи:

— Ҳа, бугунги кунда экспорт билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун сугурта хизматларидан фойдаланилганда сарфланган харажатларнинг бир қисмини давлат қонлаб бериши йўлга қўйилган.

Яъни, экспорт жараёнида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни камайтириш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида сугурта муқофоти харажатлари бўйича молиявий ёрдам кўрсатилади.

Қўйидаги йўналишлар бўйича сугурта харажатлари қопланади:

- экспорт шартномаси мажбуриятлари бажарилмаслигини сугурта қилиш;
- дебитор қарздорлигини сугурта қилиш;
- айланма маблағ кредити қайтарилмаслигини сугурта қилиш;
- логистика таваккалчиликларини сугурта қилиш.

Бу эса тадбиркорларға ташқи бозорда юзага келиши мумкин бўлган молиявий ва тижорат хавфларини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

Белгиланган тартибға кўра, сугурта муқофотининг 100 фоизи, бироқ сугурта пулининг 0,5 фоизидан ортиқ бўлмаган қисмиға молиявий ёрдам қилинади. Яъни, давлат сугурта учун тўланган маблағни тўлиқ қайтариб беради, лекин умумий сугурта суммасиға нисбатан белгиланган чегарадан ортиқ эмас.



ЖИЗЗАХ



“Еттилик” ходимлари доим олдинға интиляпмиз. Жорий йилда тадбиркорлиқни ривожлантиришни мақсад қилганмиз. Яқинда маҳалламизда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган иккита савдо шохобчаси очилди. Яна иккита тадбиркоримиз гишт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тикувчилик цехида бугун 15 нафарға яқин аёл меҳнат қиляпти. Уларнинг кўпчилиги аввал ўқув курсини тамомлаб, сертификат олишди. Энди назарий билимларини амалға татбиқ этиб, тажрибасини янада оширяпти.

Қуриб турганингиздек, ҳаракатда барокат. Қимирлаган қир ошиб бораверади. Фақатгина халқ билан бир мушт бўлиб бирлашсак бас. Қолгани ҳеч гап эмас.

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ



Маҳалламизда истиқомат қилувчи Манзура Одилова кўп йилдирки, томорқа еридан оқилана фойдаланаётган миришкорлардан бири сифатида танилган. Хонадон бекаси ҳовлиси этагидаги 10 сотихдан иборат ер майдонидан пухта режалаштирган ҳолда мўл ҳосил олишнинг удасидан чиқмоқда.

5 сотих майдонда иссиқхона барпо этилиб, унда йилнинг тўрт фаслида маҳсулот етиштирилмоқда. Эрта баҳордан кўчат ўтказиб, парвариши бошланган помидор ва булғор қалампирини етилиш арафасида. Иссиқхона шароитида экин ва ҳосилни эрта етиштириш, вегетация даврини узайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш имконияти бор.

Шу билан бирга, ҳовлидаги экин ерининг қолган 5 сотих қисмида картошқа ва бақлажон парвариш қилинмоқда. Плёнка остида етиштирилаётган помидор ва булғор қалампиридан 1,5 тонна атрофида ҳосил олинса, рўзғорға зарур картошқа ва бақлажондан яна 2 тоннадан ошириб маҳсулот жамғариш мўлжалланган.

— Томорқада уч-тўрт қайта ҳосил етиштириш осон иш эмас, ер тайёрлашға бор кучимизни берамиз, — дейди Манзура Одилова. — Тупроқни маҳаллий ва минерал ўғитға тўйинтириб, ўз вақтида суғориш, зараркунанда ва касалликларға қарши кураш, дорилаш, қолаверса, бегона ўтдан тозалаш ишларига алоҳида эътибор қаратамиз. Саъй-ҳаракатларимиз самараси ўлароқ, жорий йилнинг биринчи ярмида 70 миллион сўмға етказиб даромад кўришни ҳисоб-китоб қилганмиз.

Она заминимиз кони барака. Унга меҳр берган, эътибор билан ишловини қилган киши кам бўлмайд. Табиатнинг бу сирини ўрганиб, даромад топаётганлар эса таҳсинға лойиқ.



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза РАҲИМУЖАЕВА  
тайёрлади.





Ўзбекистонда бир йил ичида 68 та КОРЕЙС ТИЛИ ЎҚИТИЛАДИГАН МАКТАБЛАР очилди, бу борада мамлакат дунёда биринчи ўринни эгаллади.



Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё кубоги чорак финалига чикди ва ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЙЎЛЛАНМАСИНИ қўлга киритди.



Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегарасида САВДО-ИҚТИСОДИЙ ПАРК қурилади.

2026 йил  
13 МАЙ,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №39

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

## Ҳақиқий хотиржамлик қўни-қўшни кўнглининг тўқлигида



Маҳалламиз одамлари ер билан “нафас олади”, меҳнат билан яшайди. Айниқса, иссиқхоналар бугун кўпчилик хонадоннинг асосий даромад манбаига айланган. Кенг далаларга картошка экилади. Ерга ташланган ҳар бир уруғ ортида инсоннинг умиди, ризқи ва эртанги кунга бўлган ишончи ётади.

Жаҳонгир ИМОМҚУЛОВ,  
Норин туманидаги  
“Сузоқовул” маҳалласи  
раиси.

Иссиқхоналарда помидор, бодринг, лимон етиштирилади. Бир пайтлар одамлар фақат рўзгор учунгина экин етиштирган бўлса, бугун деҳқончилик билан бирга, тадбиркорликни ҳам ўрганиб олди. Илгари очик майдонда полиз экиб, табиатнинг инжиқлигига қараб қоларди. Баъзан ҳосил яхши бўлар, баъзан сув танқислиги ёки ҳавонинг кескин ўзгариши сабаб қўчатлар қуриб кетарди. Иссиқхоналар эса бу муаммоларнинг олдини олди. Энди ҳарорат ҳам, сув ҳам бир меъёردа етиб боради.



Маҳалладошимиз Азимжон Салимов бу борада кўпчиликка ўрнатилган инсонлардан. У бир неча йилдан бери лимончилик билан шуғулланади. Кузда қаламча экиб, эрта баҳорда уни ерга қадайдди. Бир сотих ерга минг туп қўчат ўтказган. Ҳисоб-китобига кўра, ҳар бир дарахтдан юз килограммгача ҳосил олади. Энг муҳими, у ўз меҳнати орқали нафақат оиласини боқяпти, балки бошқаларга ҳам тажрибасини ўргатапти.

Бугун маҳалламизда 2 652 нафар аҳоли, 515 та хонадон бор. Маҳалла раиси лавозимига келган илк кўнларимданок одамларнинг дарди билан яшашга ҳаракат қилдим. Аввало, сув муаммосига эътибор қаратдик. Тоza ичимлик сув тортилди. Икки километр йўл асфальтланди, тунги ёриткичлар ўрнатилди. Аммо мен учун энг муҳими — одамларнинг кўнгли ёруғ бўлиши.

Албатта, ҳар бир маҳаллада бўлгани каби бизда ҳам баъзи камчиликлар учраб туради. Айрим фуқаролар бола пули масаласида мурожаат қилишади. Орасида уйи-жойи, машинаси бор, имконияти етарли инсонлар ҳам учрайди. Шунда мен уларга бир нарсани тушунтириш-

га ҳаракат қиламан: инсон фақат ўзини эмас, атрофдагиларни ҳам ўйлаб яшashi керак. Мен улардан: “Кўшнингизнинг аҳолидан хабарингиз борми? Сиздан ҳам муҳтожроқ инсонлар йўқми?”, деб сўрайман. Кейин ҳақиқатан ёрдамга муҳтож оилаларни бирма-бир айтиб бераман. Шунда кўпчилиги ўйлашиб қолади, ҳатто уялиб кетади. Ахир маҳалла — бир оила. Бир хонадоннинг дастурхони қисқарса, бу барчамизнинг дардимизни англатиши керак. Кўни-қўшнингнинг кўнгли тўқ бўлмай, маҳаллада ҳақиқий хотиржамлик бўлмайди. Шунинг учун биз бир-биримизни қўллаб-қувватлашни, муҳтожларга елкадош бўлишни инсонийликнинг энг олий фазилати деб биламиз.

НАМАНГАН

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

## Қайтганларнинг кўзидаги ҳақиқат: “БАХТ ЎЗ ЮРТИНГДА ЭКАН”

Худудимиз аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Айниқса, анорчилик ва қовунчилик асосий даромад манбаларидан ҳисобланади. Биз ҳам ёшларни шу соҳаларга кенг жалб этишга ҳаракат қиляпмиз.



Аббор ТЎХТАШОВ,  
Шеробод туманидаги  
“Ойинли” маҳалласи  
ёшлар етакчиси.

3 нафар ёшга субсидия асосида касбидан келиб чиқиб асбоб-ускуналар олиб берилди. Бу уларга ўз меҳнати орқали даромад топиш, оёққа туриш учун катта имконият бўлди. Яна бир ёш — Олим Бердиев олий маълумотли бўлса-да, иш топиш умидида миграцияга кетган эди. Аммо у ерда сарсон бўлиб юрди, кўнглидагидек иш тополмади. Уни ортга қайтариб, мактабга ўқитувчи лавозимига жойлаштирдик. Бугун у ёшларимизга илм бераётган, жамиятга фойдаси тегаётган инсонлардан бирига айланмоқда.

Бугунги кунда хатлов асосида 52 нафар йигит-қизни “Ёшлар дафтари”га киритдик. Уларнинг ҳаёт йўлини мунтазам кузатиб борамиз. Бири иш топиб, ҳаётини изга қўйса, яна бошқаси ишсизлар рўйхатида қўшилади. Шу сабабли профилактика инспектори билан ҳамкорликда ёшларни доимий назоратга олиб, уларнинг муаммоларини ўрганамиз. Айниқса, ҳақиқий ишсиз, на касб-ҳунар ўрганган ва на ўзини ўзи банд қилган 6 нафар ёшни алоҳида назоратга олдик. 28 нафари эса турли жойларда норасмий меҳнат қилади. Уларни ҳам босқичма-босқич расмий бандликка йўналтириш устида ишлаяпмиз.

СУРХОНДАРЁ

### ЁШЛАР СЎРАЙДИ...

Саодат ФУРҚАТОВА,  
Анджон вилояти:

— Ёш оиламиз, бирламчи бозордан уй-жой харид қилишни режалаштиряпмиз. Аммо эшитишимча, агар биз ижтимоий мезонларга тўғри келсак, фақат иккиламчи бозордан квартира олиш имконияти бор эмиш. Шу тўғрими?

## ЁШ ОИЛА КРЕДИТГА ЯНГИ УЙЛАРДАН ОЛИШИ МУМКИНМИ?



Яшин АҲРОРОВ,  
хуқуқшунос, адвокат:

— “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ҳамда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонида кўра, 2027 йил 1 январдан бошлаб, белгиланган тартибга кўра, уй-жойга муҳтож ёш оилалар учун фақат иккиламчи бозор эмас, балки бирламчи бозордан ҳам квартира сотиб олиш имконияти яратилади.

Бунда асосий шарт — ёш оила белгиланган ижтимоий мезонларга мос келиши ҳисобланади. Жумладан, ариза берувчи ва унинг турмуш ўртоғи 30 ёшдан ошмаган бўлиши ҳамда сўнгги 3 йил давомида уларнинг номида кўчмас мулк мавжуд бўлмаслиги талаб этилади.

Шунингдек, ушбу дастур доирасида ипотека кредитлари бўйича фоизларнинг Марказий банк асосий ставкасидан ошган қисми Давлат бюджети ҳисобидан қўллаб берилади. Демак, сизлар ушбу мезонларга мос келсангиз, бирламчи бозордан уй олиш имконияти мавжуд бўлади ва бу ҳуқуқ билан чекланиб қолиш эмас, аксинча кенгайтирилган имконият ҳисобланади.

### БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЯТИМИ?

Орзу орзу бўлиб қолмайди, агар унда ҳаракат ва интилиш бўлса. Буни вақтида англаб етган Анвар Чориев чекка ҳудудлардаги ёшларни таълим билан қамраб олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди.

## Орзуларни ҳақиқатга айлантирган ташаббус



Шаҳноза ХАЛИЛОВА.

Ёш тадбиркорнинг ташаббуси Президентимизнинг “Ёшлар тадбиркорлигини ҳамда уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ амалга оширилди.

Унга кўра, “Кўмак” лойиҳаси доирасида Термиз туманидаги “Учқизил” маҳалласида ўқув маркази очилди. Бир кун, албатта, болаларни ўқитаман. Ўқув маркази очилди Термиз туманидаги ёшлар етакчисинг кўмаги билан ишимизни янада осонлаштирди. Ҳозир шаҳардан қатнаб болаларга дарс бераман. Бу ишимдан фақат фахр ҳиссини туяман.

Саҳифани  
“Mahalla”  
муҳбири  
Шаҳноза  
ХАЛИЛОВА  
тайёрлади.



— Орзуларимни амалга оширишга “Кўмак” лойиҳаси сабаб бўлди, — дейди Анвар Чориев. — Мен юрагимга тугиб қўйгандим. Бир кун, албатта, болаларни ўқитаман. Ўқув маркази очилди Термиз туманидаги ёшлар етакчисинг кўмаги билан ишимизни янада осонлаштирди. Ҳозир шаҳардан қатнаб болаларга дарс бераман. Бу ишимдан фақат фахр ҳиссини туяман.



Тадбиркорнинг келажақдаги асосий мақсади — ўқув марказини янада кенгайтириш ва шу ҳудуддаги ёшларни иш билан таъминлашдан иборат.



Афсуски, бугунги ёшларнинг кўпчилиги чет элдаги ҳаётни ортиқча тасаввур қилади. Бу ердаги маошдан қониқмай, “оила боқиб бўладими?”, деган гапларни кўп эшитаман. Лекин ҳар қандай муваффақият ортида сабр, вақт ва меҳнат ётади.

Ҳеч ким бир кунда катта даромадли мутахассисга айланиб қолмайди. Тажриба йиллар давомида шаклланади, катта натижалар эса аста-секин келади. Буни айрим ёшларимиз ҳали тўлиқ англаб етмаган. Баъзан ҳаётнинг ўзи уларга сабоқ беради. Ўзга юртининг совуқ шамолини еган инсон бир кун келиб ўз юрти, ўз уйининг қадрига етади.

Шу боис биз ёшларни фақат иш билан эмас, касб-ҳунар билан ҳам таъминлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Уларни турли йўналишларда ўқитиб, мустақил ҳаёт сари етаклашни мақсад қилганмиз. Мен бугунги кунда Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси, шунингдек, халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгаши депутати сифатида фаолият юритаман. Кенгаш ҳузурида Ёшлар маслаҳат гуруҳини ташкил қилганмиз. Асосий мақсадимиз — туманимиздаги ёшлар ишсизлиги муаммосини камайтириш ва уларнинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратишдир.

Чунки бугун ишсизлар сони камайгандек кўринса-да, олдинда миграциядан қайтадиган, ҳарбий хизматдан келадиган ва таълим муассасаларини битирадиган ёшлар бор. Биз уларнинг эртанги кўни ҳақида бугундан ўйлашимиз керак. Шу сабабли корхона ва заводлар билан ҳамкорлик қилиб, янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қиляпмиз. Ёшларни касб-ҳунарда ўқитиб, уларга ҳаёт йўлида янги саҳифа очиб беришни энг катта мақсадимиз, деб биламиз.





Ўзбекистонда йирик “MEN C’OLIV RUN” БАТАНПАРВАРЛИК ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ бўлиб ўтди. Унда қарийб 40 минг нафар киши қатнашди.



Президент қарорига кўра, ягона талаблар асосида ТИББИЙ АХБОРОТ ТИЗИМИ жорий этилади.



Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари хотиралари жамланган “ХОТИРА НУРИ” китобининг иккинчи томини нашр этди.

6

Mahalla

№39

2026 йил  
13 МАЙ,  
ЧОРШАНБА

## “МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”



ТОШКЕНТ В.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

## КАТТАМИ-КИЧИКМИ, ЯХШИЛИК ҲАМИША КЎНГИЛНИ ОБОД ҚИЛГАН, ҚАЛЪЛАРНИ ҚУВОНТИРГАН

Яхшилик одимлари доим бизни гўзал манзилларга етаклайди. Айниқса, инсонлар кўнглини обод қилиш, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзишдек хайрли амаллар билан ҳам ўзимизнинг, ҳам ўзгаларнинг қалбларига илиқлик улашган бўламиз. Маҳалла тизимида фаолият бошлаганимдан кейин айни ҳақиқатни янада чуқурроқ англаб етдим. Утаётган дақиқаларимизни ғанимат билиб, одамларга қанча мурувват кўрсатсак, шунча оз экан.

Шаҳноза ШОДИБЕКОВА,  
Чирчиқ шаҳридаги  
“Гулистон” маҳалласи  
ижтимоий ходими.



Хозирда маҳалламизда истиқомат қилаётган 1 323 та оила вакиллари билан шу ёндашув асосида ишлаб, қўллаб-қувватлаш

бий натижаларга эришиб келямиз. Хонадонлар эшигини қоқиб борар эканмиз, фуқаролар бизни умид ва ишонч нигоҳлари билан қаршилайди. Аввалига йиғилиб қолган саволларга батафсил

жавоб берамиз. Кейин янгилик ва ўзгаришлар ҳақида бафуржа тўхталамиз. Такдим этилаётган имкониятлардан фойдаланиш бўйича керакли йўл-йўриқлар кўрсатамиз.

Худудимиздаги 71 нафар ногиронлиги бўлган фуқаронинг турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий фаоллигини ошириш бўйича манзилли тадбирлар амалга ошириляпти. Бунда протез-ортопедия мосламалари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситаларини такдим этиш орқали бир неча кишининг ҳаётига янада мазмун бағишладик. Қолаверса, якка-ёлғиз яшаётган кексалар ҳолидан хабар олиб, кўнглини қутаришга ҳаракат қиляпмиз. Йил бошидан буён идорага келиб тушган 71 тадан ортиқ мурожаатнинг 90 фоизидан ортигини ижобий ҳал этиш орқали оилалар фаровонлигини оширишга эришдик. Бу эса жорий этилган тизимнинг

амалий натижадорлигини яққол кўрсатмоқда.

Айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш ва уй-жойларини таъмирлаш йўналишларида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс Чагай Евгений Ижтимоий реестрнинг давлат таъминотидаги оила тоифасида турувчи шахс сифатида рўйхатга олинган. Ҳозирги кунга қадар унга ҳукумат қарорлари асосида икки марта моддий ёрдам тайинланди. Шу билан бирга, ногиронлик аравачаси олиб берилиб, фаол ҳаётга қадам қўйишига замин яратилди.

Баъзан арзимасдек кўринган хизмат ҳаётимизни тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин. Шу маънода бугун маҳаллаларда муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг муаммоларини имкон қадар ҳал этишга киришганмиз. Энг муҳими, ҳеч бир ҳаракат бесамар кетмаяпти.

БИЗДАН ФАҚАТ  
МЕҲР ҚОЛАДИ...

## “МИНИ ЛОЙИҲАЛАР” ДАРОМАД МАНБАИГА АЙЛАНЯПТИ

Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кам таъминланган оила вакилларининг қўшимча таълим олиши ва бандлигини таъминлаш мақсадида маҳалладаги ижтимоий ходимлар “мини лойиҳа”ларни амалга ошириб келмоқда.



Дилшодбек ШОДИЕВ,  
журналист.

Шундай ташаббуслардан бири Қарши шаҳрининг “Шодлик” маҳалласида йўлга қўйилди. Унда Ижтимоий реестрда турган фуқаролар жалб қилиниб, бугунги кунда 20 нафарга яқин хотин-қиз тўқувчиликни ўрганиб келмоқда.


Тўғарақ ҳафтада икки маротаба бепул тарзда ўтказилади. Бу эҳтиёжманд фуқароларнинг касб-хунар ўрганиши ва келгусида оиласига даромад келтиришига хизмат қилмоқда. Мисол учун, Меҳринисо Сирожова давлат ҳисобидаги ижтимоий уйда бир нафар вояга етмаган фарзанди билан истиқомат қилади. У Ижтимоий реестрда туради.

— Касб-хунар ўрганишимиз биз каби эҳтиёжманд оилаларга жуда катта қўмак бўлмоқда, — дейди Меҳринисо Сирожова. — Эндиликда хунарли бўлиб, оиламизга қўшимча даромад келтиришимиз мумкин. Албатта, давлатимизнинг бу каби эътибори бизни янада олға интилишга ундаяпти. Ўзимизга бўлган ишончимиз ортмоқда.

Вилоят миқёсида 2026 йилнинг биринчи чорагида 743 та “мини лойиҳалар” амалга оширилди. Натижада 687 нафар шахс касб-хунарга ўқитилмоқда, 1 671 нафарининг бандлиги таъминланган ҳамда 1 124 нафари фан ва спорт тўғрақларига жалб қилинган.

Жорий йилнинг 12-13 май кунлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Инсон учун 2026” III анъанавий фестивали бўлиб ўтяпти. Мазкур майдонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор йирик тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Шаҳноза РАҲИМҲЎЖАЕВА,  
“Mahalla” муҳбири.



Фестиваль доирасида ижтимоий ҳимоя тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлик лойиҳалари ҳамда инклюзив меҳнат бозорини ривожлантириш бўйича илғор тажрибалар кенг ёритилмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар, талабалар ва ёшлар учун яратилган имкониятлар, хизматлар ва қўллаб-қувватлаш тизимлари такдим этилмоқда.



Тадбир давомида ногиронлиги бўлган шахслар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси, бўш иш ўринлари ярмаркиси, касбий кўникмалар танлови ҳамда 100 га яқин ижтимоий лойиҳалар намойиш этилмоқда. Бу эса фестивалнинг нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ва амалий аҳамиятини ҳам оширяпти.

Фестивалда республика бўйлаб 120 та тадбиркорлик субъекти, хунармандлар, банк, вазирлик ва идоралар 100 мингга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этиши режалаштирилган. “Abilympics” — имкониятлар олимпиадасида ногиронлиги бўлган ва алоҳида эҳтиёжга эга ёшлар 13 та йўналиш бўйича ўз иқтидори, касбий маҳорати ва ижодкорлигини намоён этади.



Ташриф буюрувчилар худудда замонавий таълим дастурлари, касбий тайёргарлик ва қайта тайёрлаш курслари, ижтимоий хизматлар, реабилитация воситалари, инновацион стартаплар ҳамда инклюзив бандликни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлмоқда. Шу билан бирга, талабалар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилаётган янги имкониятлар, субсидиялар, грант дастурлари ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимлари ҳақида батафсил маълумотлар такдим этилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда чекловлар эмас, имкониятлар гапирмоқда. Ҳар бир ғоя эса эртанги ҳаракатга айланиши шубҳасиз.

ИНТИЛГАНГА ИМКОНИЯТ ЧЕКСИЗ



Маржон ТОШМУРОДОВА,  
журналист.

У мусобақанинг стандарт йўналишида 1-урини, блиц баҳсларида эса 2-урини қўлга кирийтиб, юртимиз байроғини яна бир бор халқаро майдонда баланд кўтарди. Музработ туманида улғаяётган Уролбек бугун нафақат вилоят, балки мамлакат фаҳрига айланмоқда. У II гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, ирода, меҳнат ва қатъият билан ўз олдига қўйган мақсад сари дадил одимла-

## ИРОДА, МЕҲНАТ ВА ҚАТЪИЯТ БИЛАН

Бишкек шаҳрида ўтказилган Осиё шахмат чемпионатида сурхондарёлик ёш пара спортчи Уролбек Нормўминов юксак натижаларни қайд этди.

Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза  
РАҲИМҲЎЖАЕВА  
тайёрлади.





2026 йилнинг биринчи чорагида СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ 63,6 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ташкил этди. Бу — ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 24 фоизга кўп.



Биринчи чорақда “Apple”, “Google”, “Meta” ва бошқа хорижий компаниялар Ўзбекистонда 65,7 МИЛЛИАРД СЎМ СОЛИҚ ТЎЛАДИ.



Январь-апрель ойларида Ўзбекистонга 23 минг 79 дона ЭЛЕКТРОМОБИЛЬ ИМПОРТ қилинди. Бир йил ичида импорт ҳажми деярли тўрт бараварга ошган.

2026 йил  
13 МАЙ,  
ЧОРШАНБА

Mahalla №39

7

# “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

## Қонун билан уйғунлашган меҳнатда барака бор

Тизимда етти йилдан буён фаолият юритаман. Шу давр ичида вазифаларимни хотир-жам ва масъулият билан бажаришга ҳаракат қилдим. Аслида, солиқ масалалари катта эътибор ва аниқликни талаб қилади, чунки ҳар бир ҳисобланган солиқнинг тўғри ундирилиши давлат бюджети учун ҳам, жамият учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Баркамол ОМОНҚЎЗИЕВ,  
Фурқат туманидаги “Шунқор”,  
“Болтакўл”, “Қизилқёқ”, “Катта янги”  
маҳаллалари солиқ инспектори.

Аҳолининг ишончи, уларнинг самимий муомаласи, очик чехраси бизга катта куч бағишлайди. Фуқароларнинг кўмак сўраб мурожаат қилиши ва уларга ёрдам бера олиш имконияти менга фахр ҳиссини беради. Бугунги кунда мен фаолият юритаётган маҳалла фуқаролари солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширишда доимий равишда ташаббус кўрсатиб келмоқда. Бу эса ҳудудда солиқ интизоми мустаҳкамланиб, иқтисодий фаоллик изчил ошиб бораётганидан далолат беради.



Бугун яширин иқтисодиётнинг олдини олиш бўйича кўплаб чоралар кўриляпти. Биз солиқ хизмати вакиллари сифатида бу ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, фуқароларни қонуний ишлашга йўналтириш ва тартиб-на таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Одамлар шунчи яхши тушуниши керакки, қонундан четга чиқиб узокқа бориб бўлмайди, бугун эмас, эртага барибир бу нарсa ўз таъсирини кўрсатади. Яширин йўл билан топилган даромад на давлатга, на ўз оиласига барака келтиради.



Бунга яқинда Гўзал Аҳадова мисолида ҳам гувоҳ бўлдик. У мактаб биносидан икки хонани ижарага олиб, тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган эди. Дастлаб ишчилар сонини “2 нафар” деб кўрсатган бўлса-да, аслида, 7 нафар ҳодим ишляётгани аниқланиб, ўрганишлар натижасида фаолияти тўлиқ қонунийлаштирилди ва барча ишчилар расмий рўйхатдан ўтказилди. Биз унга қонуний ишлашнинг афзалликларини тушунтирдик ва тўғри йўлни танлашга ёрдам бердик.

Шу билан бирга, тадбиркор жорий йилнинг декабрь ойида фаолиятни бошлагани сабабли, амалдаги тартибга кўра, шу даврдан бошлаб даромад солиғи тўловларини амалга ошириши лозимлиги тушунтирилди. Эндиликда у олдинги хатоларини тўғрилаб, тўловларни босқичма-босқич амалга оширмоқда.

Энг муҳими, фуқаро ўз хатосини англаб етди ва бундан кейин қонуний, шаффоф фаолият юритишга ваъда берди. Биз учун энг катта ютуқ ҳам айнан шу — фуқароларнинг тушуниб етиши ва тўғри йўлга қайтишидир.

БУНЁДКОРЛИК

## Замонавий бинолар — маҳалла нуфузининг янги қиёфаси

Самарқанд вилоятидаги бир қатор маҳаллаларда янги йиғин бинолари фойдаланишга топширилди. Ушбу бинолар нафақат ташки қўрилиши, балки яратилган шароит ва имкониятлари билан ҳам эътиборга лойиқ.



Замонавий маҳалла биноларининг фойдаланишга топширилиши ҳудудларда ижтимоий бошқарувни янги босқичга олиб чиқади. Энг муҳими, бу ўзгаришлар орқали маҳалла — одамлар дардига ақин, ишончли ва очик маскан сифатида янада мустаҳкамланади.

Маҳалла биноси, бу — оддий маъмурий иншоот эмас. У аҳоли дарди тингланадиган, тақлиф ва ташаббуслар шаклланадиган, одамлар ўзаро яқинлашадиган ижтимоий марказдир. Шу маънода Каттакўрғон туманидаги “Мадраса”, “Навбахор”, “Диёр”, Окдари туманидаги “Янги қишлоқ”, Булунғур туманидаги “Элобод” ва “Саховат” маҳаллаларида барпо этилган биноларнинг замон талаблари асосида қурилгани тизим нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Замонавий жиҳозланган хоналар, қабул ва маслаҳат учун алоҳида жойлар, рақамли хизматлардан фойдаланиш имконияти — буларнинг барчаси фуқароларга сифатли хизмат кўрсатишни таъминлайди.

— Энг аввало, янги бино аҳоли билан мулоқот сифатини сезиларли даражада оширди, — дейди Самарқанд туманидаги “Элобод” маҳалласи раиси Ҳусниддин Нишоннов. — Илгари шароит чекланган эди, ҳозир эса ҳар бир фуқарони муносиб қабул қилиш, унинг муаммосини атрофлича тинглаш имкониятига эгамиз. Энг муҳими, одамларда ишонч ортапти. Бу эса маҳалладаги ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилмоқда. Келгусида маҳалламизни ҳақиқий жамоатчилик марказига айлантиришнинг мақсад қилганмиз. Бунинг учун аҳоли билан доимий мулоқотни йўлга қўйиб, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз.

## Тайёр овқат савдоси қандай расмийлаштирилади?

Санобар ҚОСИМОВА.

Қашқадарё вилояти.

— Маҳалламиз ҳудудда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси учун дўкон очганмиз. Энди унинг ёнида айрон ва гўжа оши сотмоқчимиз. Шу фаолиятни қонуний йўлга қўйиш учун қўшимча қандай ҳужжатлар расмийлаштирилиши керак?

Сирожиiddин ЭШМАТОВ,  
Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Сиз ҳозирда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида савдо фаолиятини йўлга қўйгансиз ва эндиликда дўкон ёнида айрон ҳамда гўжа оши сотишнинг режалаштиряпсиз. Бу ҳолатда фаолиятингиз фақат оддий савдо билан чекланмай, озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилиш йўналишини ҳам қамраб олади. Шу сабабли ушбу фаолиятни қонуний тартибда йўлга қўйиш учун айрим талаб ва рухсатларга амал қилишингиз лозим бўлади.



“Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда уларни тайёрлашда фойдаланиладиган жиҳозлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ва хавфсизлик талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларини реализация қилишда улар-

нинг сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиши лозим.

Бундан ташқари, ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати билан келишиб, санитария хулосаси олишингиз талаб этилади. Зарур ҳолатларда маҳсулот ёки фойдаланилаётган хомашё бўйича муводиллик сертификати ҳам сўралиши мумкин.

ФИРИБГАРЛИК

## ҚОНУН — АЙЛАНИБ ЎТАДИГАН ЭМАС, АМАЛ ҚИЛИНАДИГАН ЙЎЛ

Ҳаётда шундай “зийраклар” ҳам борки, улар қонунни четлаб ўтишни эмас, балки уни “айланиб ўтишни” санъат даражасига чиқармоқчи бўлади. Аммо қонун — айлана йўл эмас, у доира: қайси томондан юрманг, охири барибир ўзингизга қайтиб келади.



Бобур ИСМОИЛОВ,  
Жиззах вилоят солиқ  
бошқармаси бошлиғи.

“Soliq” мобил иловаси — адолатга элтувчи қўлай кўприк. У орқали ҳар бир фуқаро қонун бузилишни билдириб, жамиятда тартиб ва шаффофлиқни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши мумкин. Лекин, афсуски, айримлар бу имкониятни “осон даромад” манбаи деб тушуниб, рост билан ёлғонни аралаштириб юборишмоқда.

Жиззах шаҳридаги маҳаллалардан бирида истиқомат қилувчи фуқаро А.Х. ҳам ана шундай “фаоллар”дан бири бўлиб чиқди. У савдо нуқталарига кириб, “чек берилмади, қонун бузилди”, дея кетма-кет мурожаатлар ёзаверган. Шунчалик кўпки, ҳатто солиқчида ҳам “бу ерда нимадир нотўғри”, деган ҳис пайдо бўлган.

Солиқ идораси ҳодими уни ҳурмат билан чақириб, “фаоллик ҳам меъёр билан гўзал” деб тушунтирган. Аммо бизнинг “қаҳрамон” буни бошқача тушундиди: мурожаатни қамайтириш учун “қичкикина рағбат” — 10 миллион сўмлик телефон сўрабди.



Ҳаётнинг қизиғи шунда: у бошқаларни қармоққа туширмоқчи эди, аммо ўзи қонун қармоғига илиниб қолди. Солиқчи вазиятни тўғри баҳолаб, тегишли идораларга хабар берди. Ва “мурожаат устаси” Жиззах шаҳар ИИБ ҳамда Солиқ бошқармаси комплаенс ва коррупцияга қарши назорат бўлими ўтказган тезкор тадбир давомида пора олаётган пайтида қўлга тушди.

Биз кўпинча давлат хизматчиси пора олса, қаттиқ норозилик билдирамиз — бу тўғри. Аммо фуқаро пора талаб қилса-чи? Бу ҳам ўша танганинг иккинчи томони эмасми? Адолат — бир томонлама эмас, у икки тарафга ҳам бир хил қарайди. Пора бериш ҳам, пора сўраш ҳам — барибир бир хил иллат.

Бугун технологиялар, мобил иловалар ва мурожаат тизимлари фуқароларга катта имконият яратяпти. Аммо бу имкониятдан виждон билан фойдаланиш керак. Чунки адолат фақат давлат хизматчисидан ҳалоллик талаб қилмайди, у фуқарони ҳам бирдек синовдан ўтказайди.

Ҳаёт эса қизик: баъзан инсон бошқаларни қўлга туширдим, деб ўйлайди, аслида эса ўзининг қимлигини намоён қилиб қўяди. Шунинг учун инсонни қонундан қўрқиш эмас, виждони уйғоқлиги тўғри йўлда ушлаб туриши керак. Чунки ҳалоллик — назорат бор жойда эмас, назорат йўқ жойда ҳам тўғри қолишдир.

Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза ХАЛИЛОВА  
тайёрлади.







МАЪМУРИЙ  
ЖАВОБГАРЛИК  
ТЎҒРИСИДАГИ  
КОДЕКС янгиланиб,  
аҳамиятини йўқотган  
хуқуқбузарликлар  
бекор қилинади.



Бухорода АВТОБУС  
ХАЙДОВЧИСИ  
МАСТ ҲОЛДА  
40 нафар боғча  
боласини ташигани  
учун хайдовчилик  
хуқуқидан 3 йилга  
махрум қилинди.



Ўзбекистон ва АҚШ  
наркожиноятларга  
қарши курашишда  
ЗАМОНАВИЙ  
УСУЛЛАРНИ ҚўЛЛАШ  
бўйича ҳамкорлик  
қилади.

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,  
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”



ТОШКЕНТ Ш.

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

## Энг оғир ҳудуддан энг хавфсиз ҳудудга қандай айландик?



Президентимиз раислигида Тошкент шаҳрида хавфсиз муҳитни шакллантириш ҳамда жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича намунавий амалиётни яратиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида “пойтахт намунаси” айнан Чилонзор туманида жорий этилиши белгиланган эди. Маҳалламизда ҳам топшириқлар ижроси белгиланган режага кўра давом этмоқда. Қисқа вақт ичида зарур хулосалар чиқариб олдик.

этилди. Жами 599 та видеокузатув мосламаси, 68 та “SOS”, 23 та ташвиш тугмалари қўйилди. Энг муҳими, кўп қаватли уйлардаги хонадонлар тўлиқ ўрганилди. Ижарада яшовчи фуқаролар вақтинчалик рўйхатга олинди. Ижтимоий профилактика доирасида жиноят содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар аниқланиб, муаммони ҳал этиш учун “еттилик”ка йўналтирилди. Сайёр қабуллар жараёнида фуқаролардан келиб тушган юздан ортиқ масалалар ижобий ҳал қилинди. Криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган омиллارни бартараф этиш юзасидан корхона, ташкилот ва муассасаларга тақдимномалар киритилди. Хуқуқбузарлик содир қилишга мойил ва бу қилишдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган 185 нафар шахснинг 61 нафари бўйича яқиний қарор қабул қилинди.

Анъанавийликдан қочиб, ўзига хос, замонавий ёндашувлар жорий этилапти. Жумладан, 15 та кўп қаватли уйларга уй бошилар сайланиб, улар иштирокида “Telegram” гуруҳлари ташкил қилдик. Бу — тезкор ахборот алмашинуви имкониятини яратди. Фаолиятимизда жамоат ёрдамчилари (волонтерлар) гуруҳи яқин кўмакчига айланди. Улар билан бирга тунги назорат ишлари амалга оширилмоқда.



“Рақамли ва хавфсиз бозор” тамойили асосида тезкор бошқарув маркази фаолияти йўлга қўйилди. Жараёнда, савдо расталари ва нархларни мониторинг қилиш, солиқдан бўйин товлаш ва ноқонуний йиғимларнинг олдини олишга хизмат қилувчи “электрон биллинг тизими” ва сунъий интеллект камералари жорий этилди.


Муҳими, жиноятчилик ва хуқуқбузарликка қарши курашишда жамоатчилик фаоллигига эришилмоқда. Ҳар қандай кўнгилсиз ҳолатнинг барвақт олди олинмоқда.



ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

## ҚОНУННИ БИЛМАСЛИК ЖАЗОДАН ОЗОД ЭТМАЙДИ

...570 миллион сўм. Икки ҳолатда кузатиш қонунбузилишларда шунча микдорда крипто-активлар савдоси амалга оширилган. Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари аниқлаган мазкур ҳолатда иштирокчиларга жиноят иши қўзғатилди.



Жиззах вилояти  
ички ишлар бошқармаси  
ахборот хизмати.

Рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланаётган бугунги кунда крипто-активлар молиявий муносабатларнинг ажралмас қисмига айланиб борапти. Бир қарашда тез даромад ва қулай амалиётлар манбаи сифатида кўринадиган ушбу тизим амалда жиддий хуқуқий масъулиятни талаб қилади.

Сўнгги пайтларда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар аниқлаётган ҳолатлар шунини кўрсатаяптики, айрим фуқаролар крипто бозорда қонун талабларини четлаб ўтиб, фаолият юритаяпти. Натижада эса, нафақат ўзларини, балки бошқаларни ҳам молиявий хавф остига қўйишяпти.

Буни Жиззах вилоятидаги икки ҳолатда кўриш мумкин. Таъкидланганидек, жараёнда жами 570 миллион сўмга тенг крипто-активлар билан боғлиқ ноқонуний амалиётга чек қўйилди.

Жумладан, вилоят ички ишлар бошқармаси ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўлими ҳамда давлат хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда Шароф Рашидов туманидаги “Кўёвбоши” маҳалласида яшовчи, олий таълим муассасаси талабаси крипто-илвалар орқали бир йил давомида 200 миллион сўмдан ортиқ маблагни айриб олиш ҳаракатида иштирок этгани аниқланди.

Яна бир ҳолатда Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Богистон” маҳалласида истикомат қилувчи фуқаро қисқа вақт ичида 360 миллион сўм маблагга тенг савдони амалга оширгани маълум бўлди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориляпти. Бу эса давлат крипто соҳасида қонун устуворлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратаётганини кўрсатади.



Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратишни лозим топдик. Яъни, шу турдаги хуқуқбузарлар гўёки хатти-ҳаракати ноқонуний эканини билмаганини маълум қилади. Бу — крипто-активлар муомаласи борасида мавжуд қонунчиликни бузиш мумкинлигини аниқламайди. “Менинг хабарим йўқ эди” дейиш эса ҳеч кимни жазодан озод қилмайди.

Таъкидлаш жоизки, крипто-активлар билан ишлашда қоида оддий. Яъни, амалиёт фақат расмий лицензияга эга платформа-лар орқали бажарилиши керак. Акс ҳолда тез даромад илинжида қилинган ҳаракат жиддий хуқуқий оқибатларга олиб келади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

## МАҲАЛЛАДАГИ СУНЪИЙ ТЎСИҚНИ КИМ БАРТАРАФ ЭТАДИ?



Шоҳрух ФИЁСОВ,  
Ички ишлар вазирлиги  
ахборот хизмати  
раҳбари:


— Ўзбошимчалик билан сунъий тўсиқ ўрнатилганда, йўл ҳаракати хавфсизлиги

бошқармасига мурожаат қилиш лозим. Улар асосий масъул ташкилот ҳисобланиб, ноқонуний тўсиқларни аниқлаб, демонтаж қилиш чораларини кўради. Бу каби тўсиқ маҳалла ичидаги йўлга ўрнатилган

бўлса, маҳаллий ҳокимлик ёки ободонлаштириш бошқармаси муаммони бартараф этиши белгиланган. Қолаверса, қоидабузарлик бўйича туман (шаҳар) ички ишлар бўлими ва “murojaat.gov.uz” порталига электрон равишда шикоят қолдириш мумкин.

2026 йилда маъқулланган янги таҳрирдаги “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонун рухсатсиз тўсиқларни олиб ташлашни талаб қилишга асос ҳисобланади. Сунъий нотекисиклар фақат махсус қоидалар ва стандартлар (давлат стандарти) асосида, тегишли белгилар билан ўрнатилиши шарт.

Амалдаги Маъмурий  
жавобгарлик тўғрисидаги  
кодекста  
рухсатсиз сунъий тўсиқ  
ўрнатганларга БҲМнинг  
5 баравари, мансабдор  
шахсларга эса 20 бара-  
вари миқдорда жарима  
солиниши кўрсатиб  
ўтилган.



Ушбу сон саҳифаларидаги  
барча мақолалар  
матнни мусахҳиҳ  
Феруза ФУЗАЙЛОВА  
ўқиди.

Акбарали ТОҲИРОВ. Бўка тумани:

— Маҳалла кўчалари сунъий тўсиқлар ёки бетонлар билан тўсиб ташланса, уни бартараф этиш кимга юкланган? Муаммога ечим топиш учун қайси ташкилотга мурожаат қилишимиз керак?



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари  
уюшмасининг ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнер:  
Лазиз Мейликов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар  
агентлиги томонидан  
2024 йил 7 майда  
№271590 рақами билан  
давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY  
NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
8 847 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-520

